

2009-1-сон

Дастлабки тергов органи ва суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясининг 2008 йил 24 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2007 йил 29 октябрдаги ҳукмига кўра К. “Ҳилол инвест Классик” МЧЖ раҳбари бўлиб, 2007 йил 9 июлдан 3 августга қадар пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 901.000.000 сўмлик шакар ва ун маҳсулотларини қонунга зид равишда тушумни касса машинасига кирим қилмай ва хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширмай, нақд пулга сотиб, савдодан тушган 901.000.000 сўм нақд пулларни банкдан ташқари сарфлаганликда, мансаб сохтакорлиги йўли билан, корхонанинг молиявий фаолияти юзасидан солиқ инспекциясига топшириладиган ҳисоботларга корхона бош ҳисобчиси У.нинг ўрнига ўзи имзо чекиб, имзоларни қалбакилаштириб келганликда ҳамда бухгалтерия ҳужжатларини нобуд қилганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми, 209-моддасининг 1-қисми, 227-моддасининг 1-қисми билан, Жиноят кодексининг 57, 59, 61-моддалари тартибида, 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раёсатининг 2008 йил 22 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳукми, кассация инстанцияси судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари К.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтаришни сўраган.

Жиноят ишини судлов ҳайъатида кўриш жараёнида жиноят иши бўйича дастлабки тергов органи ва суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилмаганлиги аниқланди.

“Ҳилол инвест Классик” МЧЖи қисқа муддат-икки ой фаолият кўрсатган бўлиб, шу вақт ичида жуда кўп миқдорда, яъни “Микрокредит банк”нинг Қўқон бўлими орқали 95.462.160 сўмлик ва “Алоқа банк”нинг Фарғона филиали орқали 1.690.220.744 сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, жамиятнинг фаолияти, маҳсулот олиш учун пул маблағи қаердан олинганлиги, шакар ва ун маҳсулотлари олиниши ва сотилиши билан боғлиқ ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган, жамият фаолияти Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш) га қаратилган бўлиши мумкинлиги, бунда сохта тадбиркорлик ҳолатлари мавжудлиги масалалари текширилмаган.

Товар айланмасини амалга ошириш учун жамиятнинг маҳсулотларни сақлаш омборхоналари бўлган-бўлмаганлиги ўрганилмаган.

“Ҳилол инвест Классик” МЧЖни рўйхатдан ўтказган ва унга улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензия берган шаҳар ҳокимлиги мутахассисларининг, Давлат солиқ инспекцияси ҳамда банк муассасаси ходимларининг, жамият таъсисчиси Н.нинг ва бошқа шахсларнинг жиноятга алоқадорлиги мутлақо текширилмаган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, “Ҳилол инвест Классик” МЧЖда 2007 йил 4 августда ва 10 сентябрда ўтказилган текширишда жамиятнинг “Микрокредитбанк” Қўқон бўлимида очилган ҳисоб рақами орқали 2007 йил 18-20 июль кунлари пул ўтказганлиги, 77.370.000 сўмлик шакар маҳсулотлари олиниб, улар нақд пулга сотилганлиги, тушган пуллар “НКМ”дан банкка топширилмаганлиги дастлабки терговда аён бўлган.

К. ҳам дастлабки тергов даврида 2007 йил 16 июль куни “Ҳилол инвест классик” МЧЖ ҳисоб рақамидан “Хоразм Шакар” ОАЖ ҳисоб рақамига 77.370.000 сўм пул ўтказиб, 77.370.000 сўмлик шакар маҳсулотлари олганлигини, ушбу шакар маҳсулотларини нақд пулга сотганлигини, савдодан тушган пулларни банк муассасига топширмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборганлигини баён этган.

Бироқ тергов органи томонидан ушбу 77.370.000 сўмлик товарлар айланмаси билан боғлиқ ҳолатлар батафсил текширилмаган, К. томонидан содир этилган иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларга бошқа шахсларнинг алоқаси бор-йўқлиги аниқланмаган.

Жиноят тафсилотларини тўлиқ аниқлаш учун “Хоразм шакар” ҚК МЧЖ ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан жамият ўртасидаги муносабатлар қарама-қарши текширишлар ўтказилмаган.

“Ҳилол инвест Классик” МЧЖнинг банк айланмалари ўрганилганда, гўёки юқори ликвидли тез сотилувчан 129.100.000 сўмлик “Кока-кола” ва 107.000.000 сўмлик “Нестле” ҳамда қандолат маҳсулотларига ҳам пул ўтказилиб сотиб олинганлиги кўринса-да, бироқ тафтиш давомида товар моддий бойликлар қолдиғи мавжуд эмаслиги аниқланган. Шунга қарамасдан тергов органи томонидан ушбу маҳсулотларнинг сотилган ёки сотилмаганлиги, қаерда сақланаётганлиги, қайд этилган ҳолатда жиноят аломатлари мавжуд-мавжуд эмаслиги аниқланмаган.

Шунингдек, жиноят иши бўйича жамиятнинг ҳисоб-рақамидаги пул маблағларининг ҳаракати батафсил текширилмаган, жамиятнинг ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари эвазига етказиб берилган маҳсулотлар кимдан, қачон ва қаердан олинганлиги, кимлар томонидан амалга оширилганлиги, уларни сотиб олиб, харидорларга етказиб берилишида амалдаги қонун нормаларига риоя қилинган-қилинмаганлигига аниқлик киритилмаган.

Жумладан, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун 2007 йил 31 июлда “Турон-Замин-Тех” МЧЖдан 81.400.000 сўм ва “Прайз” хусусий фирмасидан 25.000.000 сўм пул маблағлари келиб тушган. Тергов жараёнида ушбу қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган-оширилмаганлиги, амалга оширилган бўлса, ким томонидан амалга оширилганлиги ва тўлиқ бажарилган-бажарилмаганлиги аниқланмаган.

Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 135-моддаси 2-қисми (янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 114-моддаси)да қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳолларни истисно этганда, кирим қилинмаган товарлар сақланган ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) тақдирда, кирим қилинмаган товар қиймати ёхуд яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқ тўловчидан ундирилиши белгиланган.

Бироқ суд қонуннинг ушбу талабига риоя қилмаган.

Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддаси 3-қисмида айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2008 йил 24 июлдаги ажрими билан К.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориш учун юборилди.

Назорат иши № ЖСҲ-194-08